БУГУН—ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 8 март 1969 йил, шанба ★ № 57 (14.220). Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни—барча қитъалардаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенглик ва озодлик учун, тинчлик ва халқларнинг миллий мустақиллиги учун, демократия ва социализм учун курашдаги бирдамлик куни билан самимий табриклайди ва қутлайди.

Бизнинг кўп миллатли социалистик мамлакатимизда 8 март куни умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

Ватан ўз қизлари—ажойиб совет ватанпарварларининг хизматларини ғоят юксак қадрлайди. Ўз оталари, эрлари ва ака-укалари билан биргаликда Улуғ Октябрь ғалабаси учун фидокорона курашган, граждан уруши йилларида ёш Совет республикасини мислсиз зўр мардлик билан ҳимоя қилган ва меҳнатда ҳамда жанг майдонларида жонини аямай социалистик Ватанни гитлерчилар ҳужумидан ҳимоя қилган аёлларнинг жасорати халқимизнинг миннатдор хотирасида яшамоқда ва мангу яшайди.

Совет хотин-қизлари шу билан фахрлана оладиларки, социализм уларни капиталистик асоратдан абадий қутқарди, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айлантирди, уларга жуда катта моддий неъмат ва билим берди, уларни маданият чўққиларига кўтарди, хотин-қизларнинг истеъдод ва қобилиятларини ривожлантирди ҳамда амалда рўёбга чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Хотин-қизлар бутун совет халқи билан биргаликда коммунизм нурли биносини илҳом билан барпо этмоқда. лар. Партия ва ҳукумат хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш, жамоат ҳаёти, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида қилаётган фидокорона меҳнатига, уларнинг давлат ишларини бошқариш, корхона ва муассасаларга раҳбарлик қилишдаги актив иштирокига юксак баҳо бермоқдалар. Хотин-қизларнинг халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳормай-толмай қилаётган меҳнати зўр миннатдорчилик ва ташаккурга сазовордир. Бизнинг хотин-қизларимиз бу соҳаларда ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларнинг чинакам ҳуқуқий тенглиги халқ бахт-саодати йўлида ҳуқуқий тенглик асосида қилинаётган меҳнатда, уларнинг актив ижтимоий-сиёсий фаолиятида, эркин билим олиш ва энг илғор фан ҳамда техникани эгаллашида ёрқин ифодасини топмоқда.

Совет ҳукумати яқинда қишлоқ меҳнатчи хотин-қизларини замонавий қишлоқ хўжалик техникасини эгаллашга даъват этди. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашга, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг умумхалқ вазифасини бажаришга муносиб ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини билдирган совет ватанпарвар хотин-қизларига шон-шарафлар!

Бизнинг аёлларимиз жамият олдидаги жавобгарликни юксак даражада ҳис этганлари ҳолда ўзларининг оналик бурчларини бажармоқдалар. Улар болаларини меҳр-муҳаббат билан ўстирмоқдалар, уларни юксак ижтимоий ғоялар ва маънавий фазилатлар руҳида—коммунизм ишига садоқат, интернационализм, Ватанга муҳаббат руҳида, империализмга нисбатан муросасизлик руҳида тарбияламоқдалар.

Партия ва давлат совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида, хотин-қизларнинг турмушдаги ҳар қандай тенгсизлигини бартараф қилиш имконини берадиган социал-маиший шароитни вужудга келтириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Уй-жой қурилиши йил сайин кўпайиб бормоқда, болалар боғчалари ва ясилари, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари шохобчалари кенгайтирилмоқда. Маиший хизмат тез суръатлар билан ривожлантирилмоқда, рўзғорда ишлатиладиган ва меҳнаткаш аёлларни уй-рўзғордаги кўп ишлардан халос этадиган машиналар кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда.

Совет халқи ҳозирги вақтда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, ғоят баланд руҳ билан меҳнат қилаётир. Миллионларча меҳнаткашлар ана шу шонли юбилейни мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларида улкан муваффақиятлар билан нишонлашга ҳаракат қилмоқдалар. Беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлидаги ҳаракат умумхалқ ҳаракати бўлиб қолди. Кўпгина корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари ана шу ватанпарварлик ҳаракати жараёнида беш йилликнинг тўртинчи йили учун оширилган мажбуриятларни олмоқдалар. Совет хотин-қизлари, бутун совет халқи ўз социалистик мажбуриятларини бажариш учун фидокорона курашмоқдалар. Меҳнат шавқатининг янгидан-янги намуналари кун сайин намоён бўлмоқда.

Коммунистик партия Марказий Комитети шаҳар ва қишлоқ хотин-қизларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги актив ролини қизғин табриклайди ва совет меҳнатчи хотин-қизлари—ишчилар ва колхозчилар, ўқитувчилар ва врачлар, инженерлар ва техниклар, маданият ва маиший хизмат, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш ходималари, хуллас барча хотин-қизлар қаерда меҳнат қилишларидан қатъий назар, улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан дадил олға бораётган мамлакатимизнинг муваффақиятларини кўпайтирмоқ учун ўз кучларини аямайдилар, бутун истеъдод, ғайрат ва иродаларини сарф қиладилар, деб ишонади.

Ватанимиз қизларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатидаги фаол иштироки чуқур миннатдорчилик туйғуларини вужудга келтирмоқда. Пролетар интернационализми руҳида тарбияланган хотин-қизларимиз социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар хотин-қизлари билан бир сафда ҳаракат қилмоқдалар, бошқа мамлакатларда социал ва миллий зулмга қарши, хотин-қизларнинг камситилишига қарши курашаётган ўз дугоналарини бутун кучлари билан қўллаб-қувватламоқдалар. Совет хотин-қизлари ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини америкалик агрессорлардан мардона ҳимоя қилаётган Вьетнам хотин-қизларининг қаҳрамонлигига қойил қолмоқдалар. Совет хотин-қизлари империалистларнинг социалистик мамлакатларга қарши кирдикорлари ва кўпорувчилик ишларини бутун халқимиз билан биргаликда зўр ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар.

КПСС Марказий Комитети совет хотин-қизлари социализм мамлакатлари хотин-қизлари билан самимий дўстликни, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм ишининг тантанаси йўлида бутун планетамиздаги меҳнаткаш хотин-қизлар билан интернационал алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверадилар, деб қатъий ишонади.

КПСС Марказий Комитети азиз хотин-қиз ўртоқлар, сизларни 8 март кунида қизғин муборакбод қилади ва ҳамма ишларингизда янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни, сиҳат-саломат, хушчақчақ ва бахтиёр бўлишингизни тилайди!

Совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Яшасин бутун дунёнинг меҳнаткаш хотин-қизлари!

Яшасин социалистик Ватанимиз!

Яшасин мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси—Коммунистик партия.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети



ШОДИЁНА БАЙРАМ

Бу йил Халқаро хотин-қизлар куни В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда юксак ютуқларнинг ажойиб ва зиятида нишонланмоқда. 8 мартни нишонлаш юзасидан Ўзбекистон пойтахтининг завод ва муассасаларида йиғилиш ва суҳбатлар, клублар ва маданият саройларида кечалар ўтказилди.

Республика пойтахти жамоатчилиги вакилларининг 7 мартда А. Навоий номли театрда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши шу шодиёна байрамга бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Н. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззаков, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, кенса коммунист аёллар, завод ва фабрикаларнинг илғор хотин-қиз ишчилари, фан ва маданият арбоблари президиумдан жой оладилар.

Йиғилишни шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова қисқача кириш нутқи билан очади.

КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси йиғилиши қатнашчиларининг узоқ давом этган гулдурос қарсаклари остида фахрий президиумга сайланади.

Тошкент авиация заводининг слесари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Икром Акмалов, шоира Эътибор Охунова, Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг артисти Г. П. Масич, Тошкентда таълим олаётган вьетнамлик студент қиз Ле-Бак-Иен йиғилганларга қарата табрик нутқи сўзладилар.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган Гвадалупа Коммунистик партияси вакиласи Мирен Лин нутқ сўзлади.

Байрам кечаси санъат усталари ҳамда бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг катта концерти билан тугади. (ЎзТАГ).

Росмий Хабарлар

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Руминия Компартияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Руминия Социалистик Республикаси иқтисодий кенгашининг раиси М. Мэнеску Руминия Компартияси Марказий Комитети ижроия комитети аъзолигига кандидат, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Э. Дрэгэнеску 5 мартда Москвага келишди. Руминия Социалистик Республикаси иқтисодий кенгаши раисининг ўринбосари Ф. Думитреску, Руминия Социалистик Республикаси иқтисодий ва техника ҳамкорлиги ҳамда кооперациялаш ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосари Р. Константинеску, Руминия Социалистик Республикаси Госплани раисининг ўринбосари Ш. Габор ва Руминия Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Э. Добреску уларга ҳамрох бўлиб келишди.

Суратларда: Халқаро хотин-қизлар кунини меҳнатда катта муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олган Тошкентдаги 1-касалхонанинг бўлим бошлиғи Н. Сиддиқова, Бекободдаги металл заводининг илғор ишчиси З. Иброҳимова, Шаҳрисабз бадиий фабрикасининг тилак тўқувчиси О. Сатторова, Беруний даги сиёсий маориф уйининг кутубхона мудири Г. Ҳўжаниёзова ва пойтахтимиздаги Табиий газ илмий-текшириш институтининг лаборанти Г. Тишина ўртоқлар.

И. Глауберзон, А. Тўраев, Р. Сандов фотолари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ, ЮКСАК МАРРАЛАРИ САРИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида қилган доклади юзасидан музокаралар

Қ. КАМОЛОВ НУТҚИ

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари

Қорақалпоғистон пахтакорлари ўтган йили жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар давлатга 300 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Бу — планда кўзда тутилганидан 60 минг тонна ортиқдир. Республикада ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўрта ҳисобда 25,4 центнер бўлди. Тўрткўл, Беруний ва Амударё районларидаги хўжаликларда ҳар гектар ердан 30 центнер ва бундан ҳам кўпроқ пахта олинди. Тўрткўл районидаги Ильич номли, Димитров номли, Максим Горький номли колхозлар ва бошқа хўжаликларда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштирилди.

Пахтачиликда комплекс механизацияни жорий қилиш, пахта териш техникасидан кенг фойдаланиш бу соҳада катта роль ўйнади. Ҳосилнинг 40 процентга яқини машинада терилди.

Пахтакорлар билан бир қаторда шоликорлар ҳам анча катта муваффақиятларга эришдилар. Давлат ўтган йили Қорақалпоғистон АССРдаги хўжаликлардан пландан ташқари 45 минг тонна шоли олди.

Колхоз ва совхозларнинг даромадлари ҳам анча кўпайди. Кўп хўжаликларда деҳқонларнинг олган даромадлари 60 процент ортди.

Бизнинг ишимизда муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликлар ва нуқсонлар ҳам бор. Биз ўз резервларимиздан хали яхши фойдаланаётганимиз йўқ. Бизда қишлоқ хўжалик экинларидан кам ҳосил олаётган ва маҳсулот тайёрлаш планларини бажармаётган хўжаликлар бор.

Бу йил биз учун қувончли йилдир. Қорақалпоғистон меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 305 минг тонна пахта, 60 минг тонна шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш мажбуриятини олдилар.

Колхоз ва совхозлар кўкламга тайёргарликни қизғин юбордилар. Далаларга ўғит солинмоқда, ремонт қилинган машиналар ишга тахт қилиб қўйилди. (Қарсаклар).

Р. ЭШЧОНОВ НУТҚИ

Хоразм область ижроия комитетининг раиси

Хоразм областининг деҳқонлари ирригация ва мелиорация соҳасида, қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва механизациялаш соҳасида кўп иш қилганликлари, фан ва техниканинг ютуқларини жорий этганликлари натижасида бултур катта муваффақиятларга эришдилар. Область деҳқонлари пландан ташқари қариб 64 минг тонна пахта топширдилар. Бу—1967 йилдагига нисбатан 22 минг тонна ортиқдир. Ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил етиштирилди. Ҳосилнинг 40 процентдан кўпроғи машинада териб олинди. Янгиариқ районининг меҳнатчилари катта ҳисса қўшдилар. Улар пландан ташқари 17 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрладилар.

Шовот районидаги Чиалов номли колхозда ўртоқ Раматов бошлиқ бригада комплекс механизацияни жорий қилишда жуда яхши натижаларга эришди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси қариб 300 центнердан пахта етиштирди, бир центнер пахтанинг таннархи эса 15 сўм 70 тийин бўлди.

(Давоми 2-бетда)

БУГУН — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

МЕҲНАТКАШ, МЕҲРИБОН, МЎЪТАБАР

ФИДОКОРЛАР

Партиявий иш ижодий, жонли ишдир. Шунинг учун ҳам одамларнинг ҳаётий эҳтиёжлари, маданий турмуш фаровонлиги билан боғлиқ ҳолда олиб борилаётир. Жойлардаги бошлангич партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжлари, истак-орзулари, қувонч-ташвишларига шерак бўлиб яшамоқдалар.

Бухоро район партия комитети кейинги йилларда бошлангич партия ташкилотлари, коммунистларнинг жанговарлик, ишчанлик фаолиятини оширишга, шу тариқа одамларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатда катта гайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашга сафарбар этишда бир талай ишлар қилди. Айниқса, моддий бойликлар яратишда, қишлоқларда турмуш маданиятини кўтаришда хотин-қизларнинг иштироки, активлиги янада оширилди. Энг яхши жамоатчи, меҳнаткаш хотин-қизлар КПСС сафига қабул қилинди. Жуда кўп хотин-қизларимиз хўжаликни бошқаришга ва раҳбарлик лавозимларига кўтарилди.

Беш йилликнинг учинчи йилида райондаги колхоз, совхозларда ташкил этилган 16 та хотин-қизлар совети атрофига уюшган 200 дан ортиқ хотин-қизлар меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бердилар. Улар эркаклар билан ёнма-ён туриб, пахта, шолли, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан мўл-кўл хирмон кўтаришда қатнашдилар. Натижада районимиз давлатга 45200 тонна дан ортиқ «оқ олтин» етказиб берди. Бу пландагидан қариб 7,5 минг тонна кўпдир. Хотин-қизларимиз пахтачиликни комплекс механизациялашда зўр активлик кўрсатмоқда. Далалардаги ҳосилни машинада териб олиш, коп қанорсиз тайёрлов пунктларига етказиб беришда сергайрат хотин-қизларимизнинг роли катта бўлди. Районда машина терими плани 120 процентдан ошиб кетди.

К. Маркс номли колхоз механизатори Р. Саидова, «Маданият» колхозидан О. Некова, «Правда» колхозининг механик-ҳайдовчиси М. Набиева, «Пахтакор» колхозининг механизатори Ф. Саъдуллаева каби ўнлаб хотин-қизларимиз мавсумда 80-100 тоннадан пахта териб, кўпчилик ҳурматини қозондилар. Улар ғузапоя юлиш, ер ҳайдаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, умуман кузги-қишки дала ишларини бажаришда ҳам техникадан унумли фойдаландилар. Биз аёлларимизнинг унумли ишлаши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз.

Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда партия ташкилотлари катта ғайрат кўрсатишяпти. Ҳозирги кунда районимизда 90 дан ортиқ хотин-қиз медицина ва соғлиқни сақлаш ишларида, 400 хотин-қиз маориф системасида ишлаб турибди. Жумладан, 21 нафар хотин-қиз мактаб директори ва илмий бўлим мудири, 19 нафари бошлангич партия ташкилотининг секретаридир. Райондаги уч колхозда хотин-қизлар правлениe раисининг ўринбосари, 39 хотин-қиз комсомол ташкилотининг секретари, 13 нафари бригада бошлиғи, 5 хотин-қиз қишлоқ Советининг раиси, 6 аёл район Совети ижроия комитетида ҳамда райком аппаратида ишлаб келмоқда. Улар партия ва ҳукумат қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда, меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини кўтариш, қишлоқ, поселкаларни ободонлаштиришда зўр уюшқоқлик кўрсатишяпти.

Район хотин-қизларидан 224 нафари қишлоқ, 42 киши район, 6 таси область Советларининг депутатларидир. Ҳурматли оналар орасида, қизлар ва келинлар ўртасида депутат активистларнинг таъсири кучли.

Район партия комитети хотин-қизларнинг кенг иштироки билан «Бахт уй»лари ташкил этиш ташаббускори бўлди. Ҳозирги вақтда ишлаб турган «Бахт уй»ларида келин-куёвларга никоҳ гувоҳномаси бериб, ёшларга меҳнат дафтарчалари бериш, меҳнат ветеранларини пенсияга узатиш, кекса авлод билан ёш авлод вакилларининг учрашувларини ўтказиш одат тусига кириб бормоқда.

Аммо ҳали орамизда бўлар-бўлмас нарсаларга хотин-қизларни ҳақоратлаш, баъзан оила бузилишига олиб келадиган воқеалар ҳам содир бўлиб турибди. Партия ташкилотлари бу масалаларга юзаки қарамасликлари лозим.

Мен бир куни ишга эртароқ келдим. Қарасам, идора олдида бир аёл кўз ёши қилиб ўтирибди.

— Нима бўлди, синглим?

— Райкомдан ёрдам сўраб келдим,— деди у кўз ёшларини артаркан.

Маълум бўлишича, Галаосиё қишлоғида турувчи Нурулла Баратов турмуш ўртоғи Мохира Раҳмоновани бекордан-бекорга хўрлаган. Уларнинг турмуш қурганига кўп вақт бўлгани йўқ. Орасида битта фарзанд ҳам бор. Кўни-қўшнилар, жамоатчилик ёрдамида жиноятнинг олди олинди.

Кўрдингизми, фақат бир оилада содир бўлган ноҳушлик ҳам райкомни, ҳам милицияни, ҳам тегров органларини, қолаверса кўни-қўшни, бутун жамоатчиликнинг кайфиятини бузди. Район партия комитети коммунистларни, партиясиз активларни, депутатларни, бутун жамоатчиликни кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ундаяпти. Барча воситаларни тарбиявий ишларни кучайтиришга сафарбар этмоқда. Назаримизда, раийжроком қошидаги ички ишлар бўлими, суд, прокуратура, умуман маъмурий органларнинг ходимлари меҳнаткашлар ўртасида онда-сонда бўладилар. Тарбиявий темаларда лекция, суҳбатлар, учрашувларни камдан-кам ўтказадилар. Улар баъзан фақат содир бўлган ҳодисаларни қайд қилиш билангина чекланмоқдалар. Тарбиявий иш умумхалқ ишидир. Партия ташкилотлари раҳбарлигида меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш, оммавий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларни янада кучайтириш жонажон ишимиздир.

М. САМАДОВА,
Бухоро район партия комитетининг секретари.



Марғилон шойи комбинатининг ишчиси Ш. Шамсуддинова доҳий В. И. Ленинча меҳнат вахтасида туриб, смена топшириқларини доимо ортиғи билан бажармоқда. Суратда: Халқаро хотин-қизлар байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олган комбинатнинг иккинчи цехи ишчиси Шарофат Шамсуддинова иш устида.

В. Сироткин фотоси.

Санда ЗУННУНОВА

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Шеърларим келтиогил кирпик,
қошимга
Узим юролмаган йўллар
гардини.
Бешафқат юклайман мурғак
бошингга
Юрагимнинг бутун аламдардини.
Онам қиз туғдим деб қилмади
афсус,
Таъна ёғилмади ёхуд онамга.
Палахмон тошдан олти мушфиқ
қиз.
Отилиб кетмадим олти томонга.
На тоға, амаки, на хола, амма,
Бироқ бир жигар йўқ сўрагун-
ден ҳол.
Ёлғиз бахт—онамнинг бағрида,
аммо
Беозор улғайдим олғита чиқол.
Отам курашларда излаган толе
Бизни оғушига олди беминнат.
Доктор, ўқитувчи, бири олима,
Каминани яна юрт қилди иззат.
Бу хилда тақдирлар менинг
элимга,
Менинг партиямга, Ватанимга
хос.
Ҳа, менинг партиям, ушлаб
қўлдардан
Зулму-зулматлардан этгувчи
халос.
Оддий ҳақиқат бор минг бўёқдан
соз,
Юз марта яшасин, дегандан
афзал.
Донолик қидирмай, ана шуни ёз,
Дил қўшиғам таълим мактовдан
гўзал.

* * *

Дарёларнинг ўз чизиқ
йўлларингиз.
Оқислардан эшитилади
куйларингиз.
Кунда-кунда чўролмасам
бўйларингиз,
Тун кечалар уйқу бермас
ўйларингиз.
Дарёларни кечиб ўтсам, кечиб
ўтсам.
Қушлар бўлиб учиб ўтсам, учиб
ўтсам.
Шамол бўлиб гулшанлардан гул
атрини
Бошингиздан сочиб ўтсам,
сочиб ўтсам.
Сув бўйида узоқ туриб сурманг
хаёл,
Сочларингиз мушчин олиб ўтса
шамол,
Узгаларга тарқатма деб
қизғонаман,
Дилгинамга келур малол, келур
малол.
Дарёларда ёр сочини
ювармикан,
Гумонларин хаёлидан
қувармикан.
Йўлларига атр гулу, райхон
эксам,
Бир қайрилиб кўз учида
суярмикан.

* * *

Дарахтлар шохини эгмиш момин
қор,
Аммо, оёқларин қучиб она ер,
Иссиқ лаби билан ўпиб аста
дер:
«Сабр қил, сабр қил, келади
баҳор.
Инсонлар меҳридан бағримда
ҳаёт,
Қуёш шуъласини шимирган
қатиқ.
Қайноқ сийнамдаги пок
муҳаббатим
Баҳорга етказур сени
саломат».
Уч ой эринмасдан шивирлар
шундай,
Шундай эритади қору-музларни.
Аммо, одамлар бор, бундай
одамлар,
Бемавруд қаритар не-не
қизларни.

ЗУЛМАТДАН НУРГА

1918 йил бошлари. Хонлик зулмида аламдийда бўлган халқ нажот йўлини изламоқда эди. Халқнинг фарёд ва ҳасрати қўшиқларда ҳам ўз ифодасини топди:

Исфандиёр хон бўлди,
Бағримиз қора қон бўлди...

Биз Мевастон маҳалласида истиқомат қилардик. Отам Эрниёзхўжа 14 ёшимда мени Матчон Харрат деган бойга икки хотиннинг устига мажбуран кундош қилиб берди. Қаноти қирқилган қушдек қафасга тушдим. Бойнинг уйида бахтсизлик ва тўтқунликда ўтган кунларим қалбимда битмас доғ қолдирди.

Хоразмда халқ революцияси ғалаба қозонгач, озодлик қуёшидан биз ҳам баҳраманд бўлдик. Ниҳоят мен халқ судига ариза бериб Матчон Харратдан ажралдим ва золим бой чангалидан қутулдим.

Кўпгина дугоналарим қаторида Ленин комсомоли сафига кириб илм-маърифат эгаллашга қарор қилдим. Комсомол активисти Пирчон Муродов билан турмуш қуриб бригалинда янги ҳаёт учун кураша бошладик.

1924 йил августида 40 комсомол йигит ва қиз Амударё орқали ўқишга жўнаганда, уларнинг сафида мен ва турмуш ўртоғим Пиржон ҳам бор эди. 24 август эрталаб миллатдан кема томонга отилган ўқ ҳаммаёқни ларзага келтирди. Биринчи ўқ кеманинг дарғасига тегиб ярадор қилди. Қонлик олишувдан кейин босмачилар кемани ўраб олишди. Улар 22 комсомолни қирғинда отиб ташладилар. Умр йўлдошим Пиржон ҳам мардларча ҳалок бўлди.

Қонхўрлар тўрт хотин-қизни — Фотима Бекмуҳамедова, Онабиби Сафоева, Елена Емельянова ва мени шафқатсиз қийнаб, азоблаб ертўлага ҳамаб қўйдилар. Бу фожиадан сўнг қизил аскарлар ва актив комсомоллар етиб келиб босмачилардан ўч олдилар. Адолатли совет суди жиноятчиларни қилмишларига яраша жазолади.

Хоразм комсомоллари ҳалок бўлган дўстлари ишини давом эттиришга қасамёд қилдилар. Тез орада 150 дан ортиқ комсомол олий ўқув юртларига ўқишга жўнади. Мен ҳам Самарқандда, таълим-тарбия курсларида ва Тошкентда Ўрта Осиё Коммунистик университетида ўқидим.

Ўзбекистон ССР ташкил топиши муносабати билан 1924 йил декабрида Бухорода ўтказилган Ўзбекистоннинг биринчи қурултойида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Дастлаб Хивадаги биринчи кутубхонага мудирлик қилдим, тинимсиз артелига раҳбарлик қилдим. Паранжи ташлаган хотин-қизларни ишга жалб этдим.

1932 йилда мени Ўзбекистон ССР Маҳаллий ижроия комитети ахборот бўлимига ишга тайинладилар. Кейинги йилларда маданият ва халқ маорифи муассасаларида хизмат қилдим. Ҳозир пенсиядаман. Кўп йиллик меҳнатимнинг ҳузур-ҳаловатини кўриб бахтли турмуш кечиряпмандаман.

Ҳозир меҳнаткашларнинг эзгу орзуларни ушалган шу ажойиб кунларда бахт-саодат қандай нурашлар ва қурбонлар эвазига қўлга киритилганини чуқур ўйлаб кўрсам, эри учун жон фидо қилган қаҳрамонлар сиймоси кўз олдимга келади. Ёш авлод ва бутун халқимиз уларнинг хотирасини эъзозлаб, инқилоб бошлаб берган шонли ишни давом эттиряпти. Коммунизм муаззам биноси эрк ва озодлик нурашчиларн хотираси учун энг муносиб ёдгорлик бўлади.

Онабиби МУРОДОВА,
Хоразмлик кекса коммунист, 22-лар фожиасининг қатнашчиси.

ҚАҲРАМОН ОНАХОНЛАРИМИЗ

БАХТ КУЛГУСИ

РЕПОРТАЖ

Қишлоқда мусаффо тонг ёришди. Уфқдан аста мўралаётган қуёш нурлари Ҳосият опа хонасига ҳам кирди. Вежирим безатилган кенг хона бирдан ёришгандай мунаввар тус олди. Нариги хонадан радионинг маъмин, дилрабо хониши эшитилади. Хушовоз хонанда энг мўътабар зот — онани улуғлаяпти. она ҳақида куйлаяпти.

Қўшни хона эшигини қия очиб, қизи Бибиш ётган жойга секин назар ташлади. Қизи тушмагур радиоприёмник мурувватини бураб, аллақачон нонуштa қозирлаган чиқиб кетган экан. Она ўғил-қизлари учун варақ қўйган. ишномдан хозиргина узилгандай қахрабо узумдан бир лаған тўлдириб олди. Аҳир, улар ҳадемай бирин-кетин «байрамингиз муборак» деб кириб келишлари мумкин-да.

Она ҳаёлга чўмди: чопқиллаб келаётган кенжа қизи Маъмуданинг қўнғироқ овози эшитилди:

— Ойи, опажон, ана Муҳайёдар келишяпти!

— Тилингдан онанг ўргилсин, қизим. Хуш келибдилар, — дарвозага отилди она. Ташқарида қизи, ўғиллари, невара-чевараларн бирин-кетин кепшарди.

Ўртага катта дастурхон ёзилди. Назарида кимдир келмагандай эди. Телефон жиринглаб қолди. Тошкентдан Наимиддин онасини халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклаб, самолётга чиқаётганини билдиряпти. Ҳосият она ўзини қўйишга жой тополмайди. Елиб-югуриб хизматга тутинади. Ўғил қизлари бўлса унинг юмушларини қўлидан олиб, дастурхон атрофига таклиф этишарди.

Э. БОБОМУРОДОВ.
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.



Комсомол аъзоси Турсуной Шерова ишлаб чиқариш топшириқларини 130-140 процент бажариш билан бирга, маҳсулот сифатининг ҳам юқори бўлишига эришиб, тенгқурларига ўрнак бўлмоқда Суратда: Самарқанд трикотаж фабрикасининг тўқувчи-мотористи Т. Шерова.

А. Кузьменко фотоси (ЎзТАГ).

ҲУКУМАТ АЪЗОСИ

Басавлат аёл бир-бир қадам ташлаб бориб, обком секретари хонаси эшигини дадил очиб кираркан:

— Мумкинми кирсам, — деди.

Биринчи секретарь унга кўзи тушиши билан ўрнидан турди.

— Э, келинг Тожихон опа, келинг, — у столни айланиб ўтиб аёлга пешвоз чиқди, — бардаммисиз, ишларингиз жойидами? Келинг.

Тожихон опа сумкасидан бир қоғоз олиб стол устига қўйди. Кейин бошини кўтарди. Кенг пешанасидаги билинар-билинмас ажинлар ёзилиб кетди. Қора кўзлари чақнаб, обком секретарига қаради.

— Хаф гал олдингизга бир қоп ташвиш кўтариб келаман. Қаранг, шу менга одат бўлиб қолди — деб кулди.

— Яхши одат. Қани энди, ҳамма Сиздек беташвиш юра билмаса. Халқнинг ташвиши билан юриш ҳам раҳбарга катта фазилат, — деди Шамсиддинов.

Тожихон опа мақсадга кўчди:

— Биримизда район ўрмон хўжалиги деҳқончилик қиляпти. 2440 гектар ери бор. Шундан 240 гектаридан фойдаланади. Неча йилдан бери ер ўзлаштириб боғ қилар, Фарғона — Водил йўлининг икки чеккаси боғ бўлиб қолар деймиз. Йўқ, буларнинг боғи ҳеч кўкармайди. Биз совхозда ҳар гектар токзордан 110 центнердан узум узиб оляпмиз. Уларники 30 центнердан ошиб-ошмайди. Биз ҳар гектар боғдан 70 центнердан мева беряпмиз, улар 7 центнердан беришади. Ердан шунақа фойдаланадими? Биз ерга зормиз. уларда бўлса ернинг умри бекорга ўтиб ётибди. Дангал гапни айтсам, шу хўжаликнинг ўзлаштирилмай ётган ерлари бизга олиб берилсин. Фарғона — Водил йўлининг икки чеккасини боғ қилсак, — Тожихон опа обком секретарига «сиз нима дейсиз» дегандай қараб қолди.

— Иштаҳангиз ёмон эмас, — кулди Шамсиддинов, — унда ўрмон хўжалигининг ҳоли нима кечади?

— Бўлмаса, шунча ер қачонгача бекор ётади?! Улар ўзлаштирмаса, биз ўзлаштирайлик Ўзингиз биласиз, ҳукуматнинг махсус қарори ҳам бор. Ер бекор ётмаслиги керак дейилган. — Шодиева олдидаги ҳалиги қоғозни узатди, — мана, бу бизнинг шу ҳақдаги мулоҳазаларимиз, ҳисоб-китоблари билан. Кўрарсиз.

— Яхши, — деди ниҳоят обком секретари уни шу ердаёқ ўқиб чиқиб, — мен тегишли одамлар билан яна бир гаплашиб кўрай-чи. Ҳар ҳолда таклифингизни ижобий ҳал қилиб беришга ҳаракат қиламиз. — У ўрнидан турди. — Шунақа келиб туринг, — деб қўл бериб хайрлашиб қолди.

Тожихон опа обком секретари олдидан мамнун чиқди. Қабулхонада навбат кутиб ўтирганлар унинг ҳурмати учун ўринларидан туришди. Опа улар билан қуюқ саломлашиб чиқиши билан эса, кимдир:

— Ая жуда бардошли аёл экан. Ҳали-бери тиниб тинчимайдиганлар ҳилидан. Иттифоқда хотин-қизлардан биринчи бўлиб унга Ленин ордени беришганича бор экан, — деб қолдию, одамлар унинг тўғрисида ўзаро гурур билан гапга тушиб кетишди.

Бу метин иродали аёлни, республикамизда кам билмайдиган ўз вақтида унинг довруғи бутун мамлакатга таралган эди. Унинг тўғрисида Чехословакиянинг халқ қаҳрамони Юлиус Фучик 1936 йилдаёқ «Тожихон шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, ўзбек хотин-қизларининг кўзини очди, инқилобчи бўлиб етишди... Унинг ҳаёт йўли — барча ўзбек хотин-қизларининг ҳаёт йўлидир» деб ёзди. Тожихон озодликка интилган биринчи қалдирғочлардан эди. У миллионларни шу озодликка етаклай олди. Бухоронинг икки минг йиллик тарихида биринчи марта аёл киши. Ўзбекистон Советлари биринчи қурултойига делегат бўлиб борган Тожихон Шодиева собиқ амир саройида халқ олдида сўзга чиқди. Ўзбек хотин-қизларининг озодлиги ҳақида маъруза қилди. У паранжисини Москвада ташлаган, ВЛКСМнинг VI съезди давом этаётган бир пайтда Н. К. Крупскаянинг илтимоси билан минбарга чиқиб паранжидан юз очган. Москвадан Шарқнинг озод қизи бўлиб қайтган. Кейин унинг ўзи «ҳужумга бош бўлиб, миллионларнинг юзини очди. Диндорлар унинг боши учун ўн минг сўм тикдилар. Лекин Тожихон бундан на хайиқди, на орқага қайтди. «Комсомолка»ни қийнаб олиб, қишлоқма-қишлоқ кезди. Хонадонларга ҳуррият шамолини олиб борди. Кейин у Иттифоқда биринчи хотин-қизлардан МТС сиёсий бўлимининг бошлиги лавозимига кўтарилди. 1933 йилда у Москвага чақирилиб, ана шу хизматлари эвазига Иттифоқда аёллардан биринчи бўлиб, Ленин ордени билан тақдирланди.

Кейин у қуруқ туҳматга учрайди. Айбланиб ўн саккиз йил тўғи келди. Аёл бошқа билан ҳаёт тўлқинларида чўкмади, тиз букмади, партияга содиқ қолди.

Унга бир умрли нафақа тайин қилишди. Унамади. Мен ишламасдан тура олмайман, бирор оғир участкага юборинглар — кўтарай деди. Унга Фарғона районидаги бутун мева-ю тонларини совуқ уриб кетиб, заррага боғиб ўтириб қолган «Фарғона» совхозини рўпара қилишди. Яхши, мен рози, лекин тўрт-беш йил муддат беришлар, деди она.

Ишни қуриб қолган дарахтларни кестириб, ўтни қилиб сотишдан бошлади. Пулига яхши мева кўчатлари топиб келтириб, боғ қилди ер очиб тонларни кенгайтирди. Фермадаги моллар наслини гамомила яхшилади. Тўрт йил деганда совхоз зарардан чиқди. 1960 йилга келиб эса совхоз рентабелли хўжаликлар қаторига кирди. Хозир бўлса, совхоз Фарғонада машъал, энг катта фойда кўраётган хўжалик. Хўжаликни шунчалик юксак даражага кўтаришда Тожихон опанинг хизматлари катта. Шунинг учун ҳам у халқ ўртасида яна катта обрў-эътибор топди. Фарғона область хотин-қизлар Советининг раиси. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати ва Олий Совет Президиумининг аъзоси Тожихон Шодиева юксак бурчни шараф билан оқлаб келмоқда.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Фарғона область мухбири.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ, ЮКСАК МАРРАЛАРИ САРИ

(Бошн 1-бетда).

Хоразм областининг деҳқонлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини сотиш юзасидан йиллик планларини муваффақиятли бажардилар. Мусобақадош дўстларимиз — Туркманистон ва Қорақалпоғистон вакилларининг амалий маслаҳатлари ва мулоҳазалари ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда катта ёрдам берди. Биз уларга самимий ташаккуримизни билдирамиз.

Хоразм областининг колхоз ва совхозлари беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 360 минг тонна пахта, 23.800 тонна шоли, 7.552 тонна гўшт, 19.460 тонна сут, бир неча минг тонна сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар сотишни мўлжалламоқдалар. Ердан, ем-хашакдан, техникадан яхши фойдаланиш бунинг учун йўл очиб беради.

Хоразм областининг деҳқонлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар. **(Қарсаклар).**

М. А. АБДУРАЗЗОҚОВ НУТҚИ

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари.

Пойтахт область қишлоқ хўжалиги механизаторлари ўтган йили ўзларининг бутун куч-ғайратлари, бутун тажрибаларини ўз олдиларидаги вазифаларни бажаришга сарфладилар. Галла тайёрлаш плани икки баравар оширб бажарилди. Шоли тайёрлаш плани 132 процент бажарилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина турлари юзасидан топшириқлар ортиғи билан адо этилди. Лекин асосий вазифа — пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди.

Партия, совет ва хўжалик органлари бултурги иш якунларини чуқур таҳлил қилиб иш ҳеч қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор беришга, 15 мартга қадар ерларнинг ҳаммасини ҳайдаб қўйишга, 10 апрелга қадар ерларнинг шўрини ювиб қўйишга қарор қилинди. Чигит экиш 12-15 иш кунида юксак агротехника даражасида ўтказилади.

Бухоро областининг дала механизаторлари Ватанга 360 минг тонна пахта, 2 минг тонна шоли, 2200 тонна пилла, кўпгина қорақўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириб, пролетар революциясининг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини шундай натижалар билан нишонлаш мажбуриятини олдилар. **(Қарсаклар).**

Н. М. МУРОДОВ НУТҚИ

Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари.

Сурхондарё деҳқонлари ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 31 центнердан оддий чав пахта ва 26,5 центнердан ингичка толали пахта олдилар. Денов районининг пахтакорлари гектаридан 38,3 центнердан. Шўрчи, Сариосиё, Жарқўрғон районларининг хўжаликлари 35-36 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Механик-ҳайдовчилар бултур кузда яхши ишладилар. «Ўзбекистон» машинасида 528 тонна пахта терган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоимардон Қудратовнинг шуҳрати бутун мамлакатга тарқалди. Илғор механизаторлардан А. Худойназаров, С. Продан, А. Қурбонов ва шунга ўхшаш бошқа «зангори кема» капитанлари Шоимардон Қудратовдан қолишганлари йўқ.

Топшириқларни муваффақиятли бажариш, ҳосилдорликни ошириш хўжаликларга ўз экономикасини анча мустаҳкамлаш имконини берди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига умумхалқ мусобақасига қўшилган Сурхондарё областининг пахтакорлари беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 338 минг тонна пахта етказиб беришга, 80 минг тоннага қадар ингичка толали пахта териб олишга бел боғладилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турлари юзасидан ҳам оширилган мажбуриятлар олинди. **(Қарсаклар).**

Ф. Ш. ШАМСИДДИНОВ НУТҚИ

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари

Фарғона областининг қишлоқ механизаторлари беш йилликнинг учинчи йилини яхши натижалар билан якунладилар. Улар давлатга пахта, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини бажардилар, чорва туёғини кўпайтирдилар. Олтиариқ, Риштон, Ўзбекистон районларининг, Қува районидаги Карл Маркс номли, Энгельс номли, «Коммунизм», Ленинград районидаги «Партия XX съезди», Охунбобоев номли, «Социализм» колхозларининг ва бошқа кўпгина колхозларининг пахтакорлари айниқса қувончли натижаларга эришдилар.

Қишлоқ хўжалик механизаторлари мелиорацияни далаларнинг унумдорлигини оширишнинг асосий резерви деб билмоқдалар. Хўжаликларда ерларнинг шўрини кетказиш, сизот сувларни камайтириш борасида катта иш бошлаб юборилди. Суви кам районларни сув билан таъминлаш ҳам яхшиланмоқда.

Хўжаликларда агрохимия картограммалари тузилиб бўлди. Бу картограммалар тупроқ тарқибини яхши ва асосли равишда аниқлаб, қаерга қанча ўғит солиш кераклигини билиб туришга имкон беради. Ҳозир колхозлар ва совхозларнинг мутахассисларига, бригадаларнинг бошлиқларига бундай карталардан фойдаланиш маҳорати ўргатилди.

Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунанда ҳашаротлари ва касалликлари билан кураш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бу йил экинзорларни заҳарли доризорлар билан олдиндан ишлаб қўйишга кўпроқ эътибор берилади.

Бу йил область механизаторлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини муносиб кутиб олмоқ учун ҳамма чораларини кўрадилар. **(Қарсаклар).**

Б. Р. РАҲИМОВ НУТҚИ

Андижон область партия комитетининг биринчи секретари

Ўтган йили область қишлоқ хўжалиги учун ноқулай келганлигига, об-ҳаво шароити кўнгилдагидек бўлмаганлигига қарамай, Андижон областидаги кўп хўжаликлар пахта тайёрлаш планини тўла ва оширб бажардилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, агротехниканинг ҳамма қоидаларига қаттиқ риоя қилинган ва комплекс механизация кенг жорий қилинган районлар, колхоз ва совхозлар, бригадаларда жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Избоскан районида 30 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнер пахта ҳосили олинди. Бўз районидаги қўриқ ерларда ташкил этилган хўжаликлар топшириқни 113 процентга етказиб бажардилар. Қўргонтепаликлар етиштирилган ҳосилнинг ярмидан кўпроғини, «Савай» совхозининг механизаторлари эса 76,6 процентини машинада териб олдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети пахтанинг харид нархини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Андижон областининг пахтакорлари партия ва ҳукуматнинг бу ғамхўрлигидан ғоят миннатдор бўлишди. Улар бу ғамхўрликка жавобан мўл «оқ олтин» ҳосили етиштириш ва табиатнинг ҳар қандай инъомларига қарамай бунга эришиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар қилишга қарор бердилар.

Андижон областининг деҳқонлари беш йилликнинг тўртинчи йилида юксак марраларни белгиладилар. Улар 510 минг тонна пахта, 5800 тонна шоли, 36520 тонна сабзавот, 2500 тонна пилла, 8300 тонна гўшт, 26100 тонна сут ва бошқа кўп маҳсулотлар етиштириш мажбуриятини олдилар. Бу мажбуриятларнинг бажарилиши область механизаторларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга қўшадиган ҳиссаси бўлади. **(Қарсаклар).**

К. ИСҲОҚОВ НУТҚИ

Сирдарё область Киров район партия комитетининг биринчи секретари.

Районимизнинг колхоз ва совхозлари 1968 йилда давлатга дон, гўшт, сут қора кўл тери, жун сотиш планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Аммо, пахта териш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилмай қолди. Бунга кўп сабабларни — кўклам фаслининг узоққа чўзилганлиги ва ҳаво совуқ бўлганлиги натижасида чигит қайта-қайта экилганлигини ҳам, бошқа табиий офатларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Ваҳолонки, Ўзбекистоннинг шундай шароитда бўлган кўп хўжаликлари давлат планларини муваффақиятли бажардилар. Районимизда пахта планининг бажарилмай қолишига сабаб шуки, техника воситалари ва одам кучи резервлари яхши сафарбар қилинмади. Биз бу нуқсонларни чуқур таҳлил этдик ва бу йил ана шу нуқсонларни такрорламасликка аҳд қилдик.

Бу йил қиш фаслида кўп қор ёғди ва ҳаво жуда совуқ келди. Лекин шунга қарамай, бир қанча хўжаликлар техникани кўкламга тахт қилиб қўйдилар. Ҳозирги вақтда совхозларда ташкил этилган курслларда қишлоқ механизаторларидан 276 киши ўқимоқда. Ирригация шохобчалари тез суръатлар билан тозаланмоқда, далага ўғит чиқариб солинмоқда. Коллектор-зовур шохобчалари қурилиши жадаллаштириб юборилди. Бундан беш йил муқаддам бизда коллектор-зовур шохобчалари йўқ эди. Ҳозирги вақтда сугориладиган ҳар гектар ерда 11 метр узунликдаги зовур бор. Лекин бу кифоя эмас, биз тупроқнинг мелиорация ҳолатини тубдан яхшилашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Бу — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг асосий резервларидан биридир. **(Қарсаклар).**

А. ҲАСАНОВ НУТҚИ

Наманган областидаги «Гулбог» совхозининг директори

Марказий Фарғона ерларида жойлашган «Гулбог» совхози 1968 йилда мўл ҳосил етиштириб, пахтанинг 97 процентини машинада териб олди. Ватанга 10305 тонна пахта етказиб берилди. Бу пландагидан 1605 тонна ортиқдир.

Бизда ҳар бир ишчига ўрта ҳисобда 5,5-6 гектардан ер тўғри келади. Механизацияни кенг қўлланиш кўп ва арзон пахта етиштириш имконини бермоқда.

Хўжаликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ажойиб тажрибали командирлари пахтакор — механизаторлар камол топди. Н. Тожибоев, А. Ким, М. Когай, Н. Холматов, Р. Матонов, М. Абдурахмонов, И. Ахбоев, К. Холтўраев, С. Ҳамроқулов ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Ўтган мавсумда совхоз катта даромад олди. Олинган фойда 1600 минг сўм—мўлжалдагидан 250 минг сўм ортиқ бўлди. Бу ўй-жой қуриш, водопровод ўтказиш, ишлаб чиқариш бинолари қуришга қўшимча маблағлар ажратиш имконини берди. Ҳар бир ишчининг йиллик ўртача маоши 1304 сўм бўлди. Бизгина мукофотнинг ўзига ярим миллион сўм ажратилди.

Бу рақамлар пахтачиликда комплекс механизация хўжаликларга қанчалик фойдали эканлигини яққол кўрсатиб турибди. **(Қарсаклар).**

А. КАРИМОВ НУТҚИ

Самарқанд область партия комитетининг секретари.

Самарқанд область қишлоқ хўжалик механизаторлари ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўн олти тури бўйича планни бажардилар. Галлакорлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ортиб бориши хўжаликларнинг даромадини кўпайтириш имконини берди. Хўжаликларнинг даромади 1967 йилдагига нисбатан 11 миллион сўм ортди, бўлинмас фондларга 7,2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Совхозларимиз механизаторлари ҳам яхши ишладилар. Улар 4,6 миллион сўм фойда олишди.

Аммо бизнинг ишимизда камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Масалан, пахтачиликда фойдаланилмаётган резервлар кўп. Қолоқ хўжалик ва бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш асосий резервдир. Бир қанча хўжаликларда ўғзани парвариш қилишда агротехника қоидаларига қандай риоя қилинаётганлиги қаттиқ назорат остига олинмаган. Бу эса ҳосилни кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Техникадан яхши фойдаланилмаётир, тупроққа солинаётган минерал ўғитлардан олинаётган самара анча кам. Ҳозирги вақтда ана шу камчиликларни йўқотиш чоралари кўрилмоқда.

Самарқанд областининг колхоз ва совхозлари ленинча вахтада ишламоқдалар. шонли юбилейни меҳнат совғалари билан нишонлашга, кўкламни уюшқоқлик билан кутиб олиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга интилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Б. РАҲМАТУЛЛАЕВ НУТҚИ

Сирдарё область Зомин район ижроия комитетининг раиси.

Зомин районининг галла майдонларида ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди. Район галлакорлари йиллик планни 171 процент бажардилар, Ерни яхши парвариш қилиш, агротехника талабларига қатъий риоя этиш, машина ва қишлоқ хўжалик асбобларидан моҳирлик билан фойдаланиш натижасида бу муваффақиятларга эришилди. Бунинг натижасида давлат кўп наф кўрди. Совхозлар дой сотишдан бир миллион 665 минг сўм фойда олдилар.

Районимизда 1968 йилда зўр ғайрат билан ишлаган илғор комбайнчи зарбдорлардан Н. Товашаров, Р. Эшмуродов, Р. Абдураззоқов, М. Бекмуродовларни ва бошқа кўп кишиларни зўр ҳурмат билан тилга олмоқдалар. Комсомолларнинг ташаббуси билан ўрим-йиғим даврида комсомол-ёшлардан иборат саккиз бригада тузилди. Бу йил уларнинг сони янада ошади.

Чорвадорлар беш йилликнинг тўртинчи йилида зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Улар гўшт, сут, тухум, қорақўл тери, жун тайёрлаш планларини бажардилар. Чўпонлардан А. Мамасаидов, Б. Бобоёров, К. Умматов, О. Эшонқулов, О. Умматов ва бошқалар ҳар юз совлиқдан 146 ва бундан ҳам кўп қўзи олишди.

Зомин қишлоқ хўжалигининг механизаторлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига янги оширилган мажбуриятни олдилар. **(Қарсаклар).**

У. ТУРУМБЕТОВ НУТҚИ

Қорақалпоғистон АССРдаги «Маданият» совхози шоликорлик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Амударё этакларидаги қўриқ ерларда шоликорликни тез ривожлантириш мумкинлигини бизнинг совхозимиз мисолида кўрса бўлади. Партия ва ҳукуматнинг қарорига биноан, бу ерда янги йирик шоликорлик райони вужудга келтирилмоқдаки, бу райондаги хўжаликлар юксак даражада механизациялаштирилган. Бу хўжаликларда дон дурдонаси ҳисобланган шоли етиштиришда фан ва илғор практика эришган энг янги муваффақиятлардан фойдаланилмоқда. Қорақалпоғистон АССР ҳозирнинг ўзидаёқ шоликорликнинг катта конига айланиб қолди. Бизнинг совхозимиз ҳам шулар жумласига киради.

Бригадамиз ўтган йили ҳар гектар ердан 50 центнердан оширб шоли олди. Бу, Қорақалпоғистон Автоном республикасида энг юқори ҳосил ҳисобланади. Биз бунга зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан мўл ҳосил олишни истойдил истаганимиз туфайли эришдик. Бизга техника, ўғитлар билан, бегона ўтларга қарши курашда гербицидлар билан ёрдам берилди. Бой тажрибалар билан ҳам кўмаклашишди.

Биз ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ошира бориш билан бирга шундай мўл ҳосилни қўлга киритишда қўшниларимизга ҳам ёрдам беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. **(Қарсаклар).**

С. ПИРМОНОВ НУТҚИ

Бухоро область, Томди район партия комитетининг биринчи секретари.

Бу йил одатдан ташқари узоқ давом этган каҳратон қиш фасли Қизилқум чўпонлари учун жиддий синов бўлди. Яйловларни қор босиб қаттиқ совуқлар бўлганлиги чорвадорлардан кутилмаган ҳар қандай тасодифий офатларга шай бўлиб туришни, зўр маҳорат кўрсатишни, ўз ишига меҳр-муҳаббат билан қарашни талаб этди. Ишлар юксак даражада уюштирилган жойларда чорва қишлови кўнгилдагидек ўтди. Давлат чорвадорларга катта ёрдам берди. Яйловларга кўп миқдорда ем-хашак, ҳар хил материалар етказиб берилди.

«Томди» совхозининг чўпонларидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. Жақоев, А. Бозорбоев, В. И. Ленин номли колхоз аъзолари Т. Алмистоев, К. Донбоев ва бошқа кўп чўпонлар оғир ва мураккаб шароитда яхши намуна кўрсатиб, қорақўл қўзлар туёғини сақлаб қолдилар.

Қийинчиликларни енгиб ўтдик. Яйловларда қўзилатиш кампанияси бошланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ анчагина кўп қўзи олинди. Вазифа — отарларда қўзиларни кўпайтириш, уларга яхши шарт-шароит яратишдан иборат. Тез орада Қизилқум яйловлари кўм-кўк ўтлар билан копланади. Бу эса чорвачилик учун энг қулай пайтдир. Биз бу йил ҳам қимматли қорақўл терини, гўшт ва жунни янада кўпроқ миқдорда топширамиз. **(Қарсаклар).**

З. РАМАТОВ НУТҚИ

Хоразм область, Шовот районидаги Чкалов номли колхоз комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи.

Бизнинг бригадамиз техникага жуда ихлос қўйган. Биз унинг катта имкониятлари борлигини яхши биламиз ва механизмлардан тўғри, тўлиқ фойдаланиш учун ҳамма ишларни қиламиз. Шу туфайли биз ўтган йилни муваффақиятли якунладик. 120 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 34 центнер ўрнига 51 центнер пахта машинада териб олинди.

План 12 иш кунида бажарилди, ҳосилнинг 95 проценти биринчи навларга топширилди. Башарти биз машинадан фойдаланмаганимизда мавсум топширигини уддалашимиз учун 70-80 кун керак бўлур эди. Ҳар центнер пахта бизга 15 сўм 70 тийинга тушди.

Ҳозир беш йилликнинг тўртинчи йили ҳосилига пухта замин тайёрламоқдамиз. Экиш техникасининг ҳаммаси шай бўлиб турибди. Ўғитлар ташиб келтирилмоқда, ариқ-зовурлар тозаланмоқда.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини фидокорона меҳнат билан нишонлаш — бизнинг эзгу ниятимиздир. **(Қарсаклар).**

М. КАМОЛОВ НУТҚИ

Калинин район партия комитетининг биринчи секретари

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилган районимиз механизатлари ўзларн учун янги-янги юксак марраларни белгилаб олдилар. Ташкилий ва агротехника комплексидаги ишлар шаҳар аҳолисини сабзавот ва мевачева билан таъминлашни яхшилашни кўзда тутади. Ихтисослаштирилган хўжаликлар ҳозир янги мавсумга актив тайёрланмоқдалар. Экиш техникаси ҳозирнинг ўзидаёқ тахт қилиб, далалар ҳайдаб текислаб қўйилди. Шаҳар аҳолисига эртапишар резавор ва сабзавот етказиб берадиган парник хўжалигини кенгайтиришга катта эътибор қилинмоқда.

Калинин районининг колхоз ва совхозлари ўтган йилни яхши натижалар билан якунладилар—маҳсулот тайёрлаш давлат планлари бажарилди. Хўжаликларнинг даромади ортди, деҳқонларнинг иш ҳақи кўпайди. Энди ликда қишлоқ қурилишига — янги маданий машиё муассасалар, мактаб. болалар муассасалари бинолари барпо этишга, қишлоқ ва посёлкаларни обод қилишга кўплаб маблағ ажратилмоқда. **(Қарсаклар).**

Р. ҒОИПОВ НУТҚИ

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари

Қашқадарё области ўтган йили пахта, галла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш плани ва мажбуриятларини Ўзбекистонда биринчилар қатори муваффақиятли бажарди. Давлатга Қашқадарё области кўпгина ингичка толали пахта етказиб берди, унинг ҳосилдорлиги гектар бошига 21,4 центнерга етди. Областда ўрта ҳисобда ҳар бир пахта териш машинаси билан 80 тоннадан пахта териб олинди. Ўнлаб механик ҳайдовчиларнинг ҳар бири мавсумда 200-250 тоннадан «оқ олтин» теришга муваффақ бўлди.

Колхоз ва совхозларнинг даромади анча кўпайди. Ўтган йилнинг якунларига мувофиқ давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти сотишдан жамсат кассасига 164 миллион сўм—1967 йилдагига нисбатан 37 ярим миллион сўм кўп маблағ тушди.

Колхоз ва совхозлар кўкламга тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳар бир хўжаликда, бригада, звенода мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар билан бригаликда экиш кампаниясини ўтказиш плани ва графиги тузиб чиқилди. Бунда экишни қисқа муддатларда — 10-12 кун ичида сифатли қилиб ўтказиш ҳисобга олинди. Устахоналарда машина ва шлаб чиқариш қуролларининг ремонти тугай деб қолди Ҳозир курс ва семинарларда юзлаб хотин-қиз механизатор кадрлар тайёрланмоқда, бу эса икки-уч сменада ишлаш имконини беради. Тез орада улар экишга тушадилар. **(Қарсаклар).**

Р. СУННАТОВ НУТҚИ

Сирдарё областидаги 6-совхоз бригада бошлиғи.

Мен совхоз тузилган 1961 йилдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлаяпман. Гарчи ўтган йил биз деҳқонларга қулай келмаган бўлса ҳам 100 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириб, ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил қўлгатдик. Бу эса план топшириғидагига нисбатан 10 центнердан ортиқ ҳосил олганимизни кўрсатади. Ана шу пахтанинг қариб ҳаммасини машинада териб олдик. Меҳнатга яраша ҳақ оласан, деб бекорга айтишмайди. Бригада муқофот тариқасида 23 минг сўм олди. Биз ҳозир бу йил мўл ҳосил олиш учун замин яратишга тайёрланмоқдамиз. Техникани шайлаб, далага ўғит чиқармоқдамиз.

Мен бу йил бултур ҳар гектар ердан бор-йўғи 9,5 центнердан ҳосил олинган қолоқ бригадага ишлагани йўқдим. Бу бригаданинг ери яхши, суви етарли. Янги бригада аъзоларига ўз тажрибами ўргатиш, бу ерда ҳам «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштириш учун куч-ғайратимни аямайман.

Бригада экишга тайёргарликни бошлаб юборди. Техника тахт қилиб қўйилди, ҳозир далага ўғит чиқармоқдамиз. Биз маслаҳатлашиб, В. И Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига янги социалистик мажбурият олишга аҳд қилдик Пахта ҳосилдорлигини икки баравардамиз ҳам эгатдаги оширб, шу йил кучиёқ ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил териб топширамиз. **(Қарсаклар).**

ҲУЖАЛИК ИСЛОҲОТИ ШАРОФАТИ

Хўжалик ислоҳоти натижасида иқтисодий рағбатлантириш фондлари кўпайиб бормоқда. Республикада химия индустриясининг қариб барча корхоналари ва нефтни қайта ишловчи саноат қар ўн корхонасининг ётгизган янгича шароитларда ишламоқда.

Йил мобайнида химия ва нефть индустриясининг барча корхоналари янгича планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш шароитларига ўтади. Ислоҳот натижасида олинадиган фойданинг бир қисмини химиклар ва нефтчилар учун янги соғломлаштириш уйлари қуришга сарфлаш мўлжалланмоқда.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Олтиариқ район чорвадорлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Қабул пунктларига 378 тонна юқори сифатли маҳсулот топширилди. «Большевик» «Комсомол» ва Жданов номли колхозлар олти ойлик топшириқни анча ошиғи билан адо этдилар.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БРАТИСЛАВАДА

БРАТИСЛАВА, 7 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси А. Я. Пельше бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети делегацияси кеча Братиславада Словакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Г. Гусак билан учрашди.

Учрашув дўстона вазиятда ўтди. Бу учрашув вақтида актуал сиёсий проблемалар юзасидан самимий ва ўртоқларча суҳбат қизиқди. Словакиялик ўртоқлар мамлакатда вазиятни нормаллаштириш, Словакия ҳаётининг ҳамма соҳаларида Коммунистик партиянинг ролини мустаҳкамлаш соҳасида Словакия Компартияси олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

«КОСМОС-270» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1969 йил 6 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-270» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

САМАРҚАНДНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

НОДИР ТОПИЛМАЛАР

Кўпни кўрган археологлар ҳам Самарқандда қурилаётган Санъат музейи биносининг пойдеворн учун қазилаётган ер остидан топилаётган бойликларга қайрон қолишди. Бу ерда топилган қадимий маданият ёдгорликлари ўзбек халқи санъати буюмларини сақлаш учун очиладиган музейнинг ўнлаб экспозицияларини тўлдиришга кифоя қилади, дейиш мумкин.

Қурилишда ишлаётган экскаваторчилар ранг-баранг бўёқлар билан безатилган бир неча сопол буюмларни топиб олишди. Ишчиларнинг берган сигнали билан бу ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтидан бир экспедиция ва Самарқанд университетидан яна бир экспедиция етиб келди. Энди бинокорлар билан ёнма-ён туриб олимлар ҳам ишламоқда. Олимлар ҳар куни жуда кўп янги тарихий буюмлар топмоқдалар. Улар топган нарсаларнинг сони 500 дан ошиб кетди. Энг муҳими шуки, бу буюмлар тахминан етти-саккиз минг йиллик тарихий даврни ўз ичига олади.

Экспедицияларнинг раҳбарлари тарих фанлари кандидати Ю. Ф. Буряков, Я. Крикс ва уларнинг ёрдамчилари О. Иброҳимов, Р. Равшанов ҳамда бошқа археологлар турли тарихий даврлар ва замонларга оид бўлган ер остидан топилаётган ёдгорликларни тавсифлаб ёзиб чиқишга улгура олмай қолдилар. Янги тош асри овчиларининг меҳнат қуроллари бу ерда топилган материалларнинг энг қадимийси деса бўлади. Бу ерда ўша давр овчиларининг манзили бўлганлиги аниқланди. Бу манзил эрамиздан олдинги V—IVминнгинчи йилларга мансубдир. Топилган материалларнинг бошқа кўпгина намуналарига шу ажойиб шаҳар—музей тараққиётининг кўпгина даврларини ўз ичига олади. Энг қадимий материаллар орасида эрамизнинг V—VI асрларида ясалган сопол буюмлар ҳам бор. IX — XI асрларнинг ҳаммда Амир Темур ва унинг сулоласи ҳукмронлик қилган даврнинг маданият ёдгорликлари айниқса кўп топилди. Булар орасида сопол буюмлар, танга чақалар, шиша ва металл идишлар, чекма мис буюмлар бор. Бир жой қазиб кўрилганида, ундан мисли кўрилмаган даражада кўп металл идишлар чиқди. Қазиб топилган шу устахонада бошқа буюмлар қаторида яхши сақланган 30 та қумғон, баркаш ва бошқа идиш-товоқлар топилди. Буларнинг бир қисмига бадиий нақшлар солинган.

Пойдевор учун қазилган жойда пишиқ ғиштдан қурилган биноларнинг қолдиқлари, кулолларнинг хумдонлари, қадимий дегрезларнинг устахоналари топилди. Шаҳардаги катта каналнинг ўзани бўлганлиги аниқ кўриниб турибди. Мутахассисларнинг ҳаммаси бу канал кўп жиҳатдан ғоят диққатга сазовор эканлигини айтмоқдалар. Уни қимматли буюмларнинг ўзига хос «макони» десе бўлади. Эътиборга тортадиган қалинлиги 1:1,5 метр қум қатламларида сопол буюмларнинг майда ва катта парчалари қават қават бўлиб ётибди. Сопол парчалар орасида танга чақалар, металл буюмлар ҳам учрайди. Олимлар шаҳарни истилочилар вайрон қилган вақтларда бу буюмлар сувда оқиб келган бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Лекин бу тахминни ҳали текшириб кўриш керак.

— Энди, — дейди Ю. Ф. Буряков, — топилган нарсалар қандай ерда жойлашганлигига эътибор қилинг. Бу ер машҳур регистон майдонига туташган. Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда Самарқанд шаҳри шу ерда қурила бошлаган эди. Бу шаҳар «очиқ ва кўрук ерда» қурилган, деб фараз қилинзр эди. Аммо, ҳозирги топилган буюмлар бу тахмин тўғри эмаслигини, меъморлар ўша вақтнинг ўзидаёқ бинокорлари шаҳарнинг анчагина гавжум жойида қурганликларини кўрсатиб турибди. Шу тариқа Регистоннинг бир ричи сири ёпи бўлиб қолмоқда Аммо, бу чомнинг келиб чиқишига тааллуқли бўлган яна бир сир ҳам очила бошлади. Регистон тожик сўзи бўлиб, қумлоқ жой ёки қумлоқ майдон деган маънони билдиради. Бу қадимий майдоннинг ўзи қандайдир бир Анхорнинг қумлоқ соҳилида пайдо бўлган, деган ривоятлар бор. Лекин бу Анхорнинг изи шу вақтгача топилмаган эди. Музей пойдевори қазилаётган жойдан ресторан пойдевори қурилаётган жойгача 100 метрдан кўпроқ масофага чўзилган катта канал топилганлиги ўша Анхорнинг ҳақиқатдан Регистон майдонини кесиб ўтганлигидан далолат беради. Буни Регистон ансамблининг машҳур биноларидан бири бўлган Тиллакори мадрасасининг орқасидаги ерга ҳам Анҳор ўтиб кетганлиги кўрсатиб турибди.

В. ПОПОНДОПУЛО,
(ЎзТАГ мухбири).
Самарқанд шаҳри.

Қорақалпоғистон АССР адабиёти ва санъати ҲАФТАЛИГИ тошкент 1969

АЖОЙИБ УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

5 март куни Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда қувончли учрашув бўлиб ўтди. Пахтакорлар Аму соҳилларидан келган қадрли меҳмонлар — Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги қатнашчиларидан бир группасини кутиб олдилар.

Колхоз Маданият саройида шу колхоз партия комитетининг секретари К. Саттибоев меҳмонларга мурожаат қилиб, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг катта дўстлиги тўғрисида, ленинча миллий сиёсат тантанаси ҳақида гапирди. Меҳмонлар колхозчилар эришган меҳнат зафарлари билан, уларнинг турмуши билан қизиқиб танишдилар.

Қорақалпоғистон АССР маданият министри К. Худойбергенев, таниқли ёзувчи ва драматург Жўлмирза Оймирзаев, СССР Халқ артисти Оймихон Шомуратова жавоб нутқи сўзлаб, қизғин кутиб олганликлари учун саҳий мезбонларга қалбларидан миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Колхоз аъзолари катта концерт қўйиб берган Қорақалпоғистон санъат усталарини қизғин олқишладилар.

Навруз ЖАПАҚОВ.

ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАМОҚДА

АНДИЖОН, 6 март. (ЎзТАГ). Андижонликларнинг меҳмони бўлган Қорақалпоғистоннинг вакиллари Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали тарихий музейини томоша қилдилар.

Андижондаги байрамдагидек безатилган Охунбобоев номли музикали драма ва комедия театрида катта дўстлик кечаси ўтказилди. Театрнинг бош режиссери, республика халқ артисти А. Бакиров, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Р. Каримова, машинасозлик заводининг цех бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Муминов қадимий Орол соҳилларидан келган дўстларимизга самимий истакларини изҳор қилдилар. Андижон пионерлари шеър ўқиб, меҳмонларни қутладилар. Улар миллий музика асбобларини Автоном Республикадан келган ёш дўстларига тухфа қилдилар.

Автоном Республиканинг санъат усталари Андижондан жўнаб кетиш арафасида концерт қўйиб бердилар.

* * *

ФАРҒОНА, 6 март. (ЎзТАГ). Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги қатнашчиларининг Марғилон меҳнаткашлари билан учрашуви халқлар ленинча дўстлигининг ёркин намойишига айланди.

Меҳмонлар Марғилон ипак комбинатини бориб кўрдилар. Корхона ходимлари уларга ишлаб чиқариш участкаларини кўрсатдилар. корхона коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини меҳнат соҳасида катта муваффақиятлар билан кутиб олаётганликларини сўзлаб бердилар.

Ипак комбинатининг Маданият саройида умумшаҳар митинги бўлди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Муҳиддинов ҳафталик қатнашчиларини самимий табриклади. Ипак комбинати мастерининг ёрдамчиси М. Мелибоев, атлас тўқувчи илғор ишчи З. Мавлонова ва меҳнаткашларнинг бошқа вакиллари қорақалпоқ дўстларимизга янги ижодий муваффақиятлар тилашди.

Ёзувчи Т. Жумамуротов қардошларча кутиб олганликлари учун миннатдорликларга самимий ташаккур билдирди. Қорақалпоқ шоирлари ўз шеърларини ўқиб бердилар. Қорақалпоғистон санъат усталари катта концерт кўрсатдилар.

Қорақалпоғистон вакиллари тушдан кейин Фарғона шаҳри билан танишдилар.

* * *

НАВОИЙ, 6 март. (ЎзТАГ). Навоий меҳнаткашлари Ўзбекистонда Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги қатнашчиларини эзгу қардошлардек кутиб олдилар.

Меҳмонлар Навоий химия комбинатига бордилар ва бу ерда комбинат раҳбарларининг корхонани ривожлантириш истиқболлари тўғрисида берган маълумотларини зўр ғайрат билан тингладилар.

Шаҳар ўзининг, мухташамлиги, чиройлик архитектураси билан меҳмонларни мафтун қилди.

Хайрлашиш пайти келди. Карнай ва сурнай овозлари — қўшиқ садолари янграйди.

Навоийликлар меҳмонларга шу гапларни айтишди:

—Азиз қардошлар, дийдор кўришгунча хайр! Қорақалпоғистоннинг барча меҳнаткашларига саломимизни топширгайсиз!



Дунёримизда қардош қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги муваффақиятли давом этмоқда. Қорақалпоғистонлик санъат усталари ўзларининг юксак маҳоратлари билан ўзбек томошабинларини мафтун қилмоқдалар. Рассом Н. Корниловнинг бу тасвирда Нукус музикали драма театрида саҳналаштирилган «Ғариб ошиқ» спектаклидан бир кўринишн акс эттирилган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ВЬЕТНАМ ҚИЗИГА

Хаёлимга келтириб
Гулойимдай юзингни,
Жасоратингни билиб
Кўрай дейман ўзингни.
Ев кирганда элингга
Қўлга қурол олгансан,
Газаб тўлиб дилингга,
Евга даҳшат солгансан,
Қанча бомба, қанча ўқ
Ёғдирса-да душманинг,
Унга элда йўл тўсиқ,
Зарба берар ватанинг.
Ев кирганда элингга
Ўт очиб, тез йўл қилдинг,
Ажал селин ёғдириб
Евга учган ўқ бўлдинг.
Уқ-оташга дуч келиб
Бўлди душманинг яксон.
Мардлигингни халқ билиб
Элинг дейди, бўл омон.
Жангчи қизим толиқма,
Эрк нурашсиз келмайди.
Элнинг бахти, толеи
Четдан ҳеч келтирилмайди.
Ишинг ҳам ўзинг қизим
Озодлигинг тираги,
Жўшган ғайрат, кучинг ҳам
Бари элнинг кераги.
Элни ёвдан тозала,
Бири қолмай қувилсин,
Кетмаганин жазола,
Элнинг кири ювилсин.
Борай озод элингга,
Тилакдош деб қабул эт.
Қатнашай эрк тўйингга,
Кейин бизга келиб кет.

1967 йил.

НАЗАРМАТ таржимаси.

Халқаро ҲАЁТ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КУБА

ГАВАНА. Халқаро хотин-қизлар куни—8 Март муносабати билан Кубада мамлакат хотин-қизларини шарафлаш ҳафтаси бошланди. Радио ва телевидение махсус программалар тузиб, Куба меҳнаткаш хотин-қизларига бағишланган эшиттиришлар бериб турибди. Шу ҳафта ичида турли жамоатчилик делегацияларининг маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, болалар муассасаларида, насаҳоналарда ва мактабларда ишлаб турган хотин-қизлар билан учрашувлари ўтказилмоқда. Революцияни ҳимоя қилиш комитетларининг аъзолари бўлган ўн минглаб хотин-қизлар бу халқаро байрамни ўтказишга атаб кенг программа тайёрладилар.

ПОЛЬША

ВАРШАВА. Бельско-Бяла шаҳридаги механик ускуналар заводи маҳсулот ишлаб чиқаришни кейинги 9 йил ичида 12 баравар кўпайтирди. Завод чиқарётган маҳсулотларнинг йиллик қиммати 1 миллиард злотихдан кўпроқ маблағга тенг.

Яқин фурсатда завод катта комбинатга айланади. Сарфланаётган янги капитал маблағлар автомобиль моторлар ишлаб чиқаришни, шунингдек автомобиль ва тракторларга керакли запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон беради.

Ҳозир заводнинг эски корпуслари ёнида иккита замонавий саноат цехи ҳамда техникавий хизмат кўрсатиш корпуси қад кўтаради. Янги цехлардаги участкаларнинг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикасининг ёқилғи-энергетика саноати ва геология министрлиги корхоналари ишлаб чиқараётган ялпи маҳсулот 1968 йилда 1967 йилдагига нисбатан 11,8 процент, шу жумладан, электр энергия ишлаб чиқариш 11,6 процент, кўмир қазиб чиқариш 17,4 процент кўпайди. Бу йил энергетика ва кон қазиш саноатининг ялпи маҳсулоти 13,6 процент, меҳнат унумдорлиги 6,6 процент кўпаяди.

РУМИНИЯ

Арад вагонсозлик заводи 50 мингинчи вагонни ишлаб чиқарди. Бу завод Руминияда чиқарилаётган товар вагонларининг 72 процентини бермоқда. Арад заводининг вагонлари Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, СССР ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда. (ТАСС).

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

СССРнинг енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлиги вакилларининг Франция саноатчилари группаси билан учрашуви 5 мартда Москвада протоколни имзолаш билан тамом бўлди. Бу учрашув «рўзғор ва хўжалик асбоблари» ишчи группасининг тўртинчи сессияси қарорига мувофиқ ўтказилди. Бу группа илмий-техника ва иқтисодий ҳамкорлик аралаш совет-француз комиссияси доирасида тузилган эди.

Учрашув вақтида томонлар ишлаб чиқаришни кооперациялаш тўғрисида келишиб олдилар. Франция фирмалари СССРга рўзғорда ишлатиладиган хилма-хил электр машина ва асбобларга, жумладан холодильник ва кир ювиш машиналарига керакли узеллар ҳамда детальларни етказиб берадилар. Совет Иттифоқидан Францияга тайёр буюмлар юборилади. Рўзғорда ишлатиладиган электр асбоблар бундан бўён кооперация асосида мунтазам суратда ишлаб чиқарилади. (ТАСС).

«АПАЛЛОН-9» ПАРВОЗИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 март. (ТАСС). «Апаллон-9» космик кемасининг парвози давом этмоқда. 5 март куни икки космонавтнинг экипаж бўлмасидан маҳсус системаларни текшириб кўриш учун ой кабинасига кўчиб ўтишлари асосий вазифа бўлди. Космонавтлар телескоп ва секстант ёрдамида юлдузларга қараб мўлжал олишларини кўзда тутувчи бундан аввалги операцияни вақтида бажара олмаганликлари сабабли кўчиб ўтиш тахминан 1,5 соат кечикди. Бу вазифалар ўринатилган жойига тиқилиб қолган эди.

Ой кабинаси системаларини текшириш, жумладан, ойга кўниш босқичида ишга солинадиган двигателни юргизиб кўриш муваффақиятли ўтди. Космонавтлар кабинада салкам 8 соат бўлгач, экипаж бўлмасига қайтиб ўтдилар.

Космонавт Швейкарт 5 мартда ўзини ёмон ҳис этди, у икки марта қайт қилди. Шу сабабли кема командири космонавт Макдивиттнинг таклифига кўра Швейкартнинг ой кабинасидан очиқ космос орқали экипаж бўлмасига ва ундан орқага кўчиб ўтишига доир бугун 6 марта белгиланган эксперимент ўтказилмайдиган бўлди.



Гренландия ер юзидаги энг катта ва энг совуқ оролдир. Унинг балиқ саноати ташқи савдога жуда катта миқдорда янги овланган, тузланган ва қуритилган балиқ, шунингдек балиқ ёғи ҳамда қисқичбақа консервалари чиқаради. Суратда: Нарсандаги консерва заводининг қисқичбақа консервалари тайёрлайдиган цехи.

Камера Пресс— ТАСС фотоси.

САНТ-ЯГО:

АБДУРАИМОВНИНГ УЧ ТЎПИ

Чилидан хабар келди. СССРнинг терма футбол командаси Чилидаги энг кучли «Коло-коло» клуб футбол командаси устидан ғолиб чиқди. Бизнинг футболчиларимиз «Эстадио насьональ» стадионида бу командани 5:4 ҳисоби билан ютди.

Ҳар иккала команда қизғин, ҳаяжонли, ҳужумкор футбол ўйини кўрсатишди. Совет футболчилари шиддатли ўйин кўрсатдилар, чилиликларнинг ҳимоя чизиқларини тез-тез ёриб ўтиб турдилар. Ўйиннинг биринчи ярмида Чуманов битта, Эркин Абдураимов 2 та ва Еськов 1 та тўп киритадилар. Бироқ, ҳимоячиларимизнинг хатоларидан фойдаланган Вальдес ҳамда Заранте биттадан тўп уришди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида СССР терма футбол командасининг энг яхши ҳужумчиларидан бири Эркин Абдураимов 11 метрлик жарима тўпини чилиликлар дарвозасига аниқ тепади. Гол! «Коло-коло» футболчиларидан Родригес билан Рейнозо ҳам Пшеничников ҳимоя қилиб турган дарвозага биттадан тўп киритишга муваффақ бўлишади.

Шундай қилиб, терма командамиз галаба қозонди. Унинг составида қуйидагилар ўйнадилар: Пшеничников, Янец, Шестернев, Лисенко, Дзодзуашвили, Киселев, Чуманов, Еськов, Абдураимов, Гершнович, Хмельницкий (Метревели).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ҲАФТАЛИК ПРОГРАММАСИ

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

10 МАРТ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси, 18.00 — Болалар учун ўзбек тилида эшиттириш. Рус тилида: 18.25 — Телеянгиликлар, 18.40 — Совет Армияси жангчилари учун «Қаердасиз, қурғодош дўстлар?» деган эшиттириш, 19.00 — Ҳужжатли фильм, 19.20 — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига. «Инқилоб доҳийси», 19.45 — Эълонлар, 19.50 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.55 — Телеянгиликлар, 20.10 — Халқ контроли экрани, 20.40 — Телефильм, 21.00 — Ўзбекистон харитасида янги районлар, 21.30 — «Сергей Лазо» (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

11 МАРТ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун кинофильм, 18.15 — Телеянгиликлар, 18.30 — «Пропагандист» тележурнали, 19.00 — «Болтиқ депутати» (бадиий фильм), 20.30 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.35 — Телеянгиликлар, 20.50 — Ун минут музика, 21.00 — «Сурур» телетеатри. Ж. Жумаханов «Қора кўзли сингилчам», 21.40 — Мирзо Ғолиб. (Ижодий портрет), 22.00 — Давралрнинг ҳаёт қўшиқлари бор.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ОЛМАОТА ва ТОШКЕНТ телестудияларининг эшиттиришлари.

Ўзбек тилида: 20.00 — Классик куйлар.

Рус тилида: 21.00 — «Крилов жумбоғи» (Илмий-оммабоп фильм). 21.20 — «Очилган кўприқ» (бадиий фильмнинг 1-серияси).

12 МАРТ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси, 18.00 — Рус тилида телеянгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.10 — «Қизил галстук» тележурнали. 18.45 — Ленин кутубхонаси, 19.05 — «Рақс ўрганинг». 19.45 — Телеянгиликлар, 20.00 — МОСКВА ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультфильм, 18.20 — «Сиҳат-саломатлик» программаси, 19.00 — Пахтакорларнинг баҳорги ишлари, 19.20 — Музикали саёҳат.

Ўзбек тилида: 20.00 — Боғчалар кўпайсин. 20.20 — Бадиий ҳаваскорлар концерти, 21.00 — «Рассом ва публицист», В. И. Евенко, 21.20 — «Баландлик» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00 — «Очилган кўприқ» (бадиий фильмнинг 2-серияси). 21.35 — «Романовлар династиясининг қулаши» ҳужжатли фильм).

13 МАРТ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.10 — Телеянгиликлар, 18.20 — Ленинча меҳнат вахтаси, 18.40 — Кинолениннома «Александр Ульянов».

Рус тилида: 19.00 — А. П. Тур. «Фавқулодда элчи». Горький номидаги Давлат рус академик драма театрининг спектакли. Танаффусда телеянгиликлар.

Ўзбек тилида: 21.45 — «Ўзбекистон чорвадори» программаси, 22.10 — «Бўстон», (тележурнал).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ДЎСТЛИК ЭКРАНИ.
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Ёшмичуринчилар».

Рус тилида: 20.20 — Муслим Магамаев концерти, 21.10 — «Очилган қўприқ» (бадиий фильмнинг 3-серияси).

14 МАРТ
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Юқори синф ўқувчилари учун эшиттириш, 18.40 — Телеянгиликлар, 18.55 — Музикали календарь, 19.45 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.50 — Телеянгиликлар, 20.05 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», 20.50 — «Оламга сабоҳат», 22.00 — Ўткир зеҳнлилар мушоираси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ОЛМАОТА ва ФРУНЗЕ телестудияларининг эшиттиришлари.

15 МАРТ
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Улар биринчи марта овоз бердилар». 10.40 — «Константин Заслонов» (бадиий фильм, рус тилида). 11.55 — Кўрсатишлар программаси, 12.00 — МОСКВА КЎРСАТАДИ.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17.00 — Телеянгиликлар, 17.10 — Болалар учун мультфильм.

Ўзбек тилида: 17.20 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари» (тележурнал). 18.10 — «Бранденбург дарвозаси», (кинофильм). 18.40 — Телеянгиликлар, 18.55 — Бадиий ҳаваскорлар концерти, 19.53 — Кўрсатишлар программаси, 20.00 — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 — Москва эшиттиришлари.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Ҳужжатли фильм, 20.10 — Ялла ва рақслар, 20.50 — «Энебахш» 21.10 — «Бир йилнинг тўққиз куни» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

16 МАРТ
ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Сайлов участкасидан репортаж.

10.20 — Шодлик ва бахт куйлари.

Рус тилида: 11.00 — Болалар учун мультфильм, 11.20 — «Юлдузча» (тележурнал). 11.50 — «Қийшиқ кўзгулар қироллиги» (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.10 — Болалар учун телетеатр М. Исмоилий «Бизнинг роман» (имконият қисм). 14.10 — Телеянгиликлар, 17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Ахборот» информацион программаси. 18.30 — Эстрада усталари сайловчиларга. (Концерт).

Ўзбек тилида: 19.10 — «Ахборот» информацион программаси, 19.40 — Сайловчилар учун катта байрам концерти, 21.00 — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 — «Ефрейтор соқси» (ҳужжатли фильм). 21.30 — «Севги ва лимандралар» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

РАДИО БУГУН

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Қўшиқлар. 10.10 — «Дугоналар» радиожурнали. 11.35 — И. Ҳамроев. «Ўзбекистон хотин-қизлари» кантатаси. 12.15 — Концерт (хотин-қизларнинг талабларига мувофиқ). 13.30 — «Баҳор табассуми» (русча). 15.10 — «Правда» газетасининг обзори. 15.20 — «Саломалайкум» радиожурнали (русча). 16.10 — Эстрада концерти. 17.20 — Уйғур куйлари. 17.45 — «Устюрт ер ости бойликлари». 18.00 — Ўзбек куйлари. 18.40 — Спорт. 19.20 — Ўзбекистон радиоси артистларининг концерти. 20.00 — «Ленинном» программаси. 20.30 — Рақс куйлари. 21.00 — «Қардош социалистик мамлакатларда». 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун). 22.20 — Хотин-қизлар учун байрам концерти. 23.10 — Байрам концертининг давоми.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.10 — Эстрада ихлосмандлари учун эшиттириш. 10.50 — Н. Паустовский «Олтин гул». Адабий композиция (рус тилида) 12.00 дан Москва эшиттиришлари.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ: 16.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида 17.00 — Телеянгиликлар, 17.10 — Телефильм.

Ўзбек тилида: 17.40 — Болалар учун «Ҳамиша бўлсин онам».

18.10 — Телеянгиликлар, 18.20 — «Хотин-қизлар» (бадиий фильм), 20.00 — «Ёрқин ҳаёт» журнали.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 дан Москва кўрсатади. Соат 20.00 дан Тошкент кўрсатади «Евдокия» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

КИНО

«Олтин маъбуда» учун кураш — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 5 яримда), «МОСКВА» (эрталаб соат 11-40 минутда, кундуз 1, 5 ва кеч 7 да).

Ниҳоятда ноёб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10-20, 11-30 минутда ва кеч 7 яримда), «ЧАЙКА» (кеч соат 10 да).

Дугонам Сибилла — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 9 да).

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар кундуз 2 яримда, 3-серия кеч 7 ярим ва 9 да) — САНЪАТ САРОЙИ.

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9 МАРТДА

4—6 синф мактаб ўқувчилари учун музикали лекторий абонемент № 1.

БЕШИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ КИНОДАГИ МУЗИКА ВА ҚЎШИҚЛАР

Лектор — Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Қатнашадилар:
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг лауреати
СИМФОНИК ОРКЕСТРИ ВА ХОР КАПЕЛЛАСИ

Концерт-лекция кундуз соат 2 да бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 12 дан сотилади.

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ» УЙИДА
(Киров кўчаси, 24-уй)
9 МАРТДА
ЛИРИКА ВА САТИРА КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кечада: Муҳаббат ШАМАЕВА, Алижон ҲАСАНОВ, Илёс МАЛАЕВлар;

адиблардан: Зайнобиддин ЮСУФЖОНОВ ва Одилжон ОХУНЖОНОВлар қатнашадилар.

Кеча охирида «МУҲАББАТ» номли телефильм кўрсатилади.

Кечани шоир Туроб ТЎЛА олиб боради.

Кеча кеч соат 7 да бошланади.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

она-тили ва адабиёт, география, табиёт, физика-математика, тарих факультетларини сиртдан ўқиб тугатаётган студентларни

23 МАРТДАН 1 АПРЕЛГАЧА СЕССИЯГА ЧАҚИРАДИ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 836543, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323, Масъул секретарь — 834455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283, Партия турмуши — 833469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216, Халқаро ҳаёт — 837604, Коммунистик тарбия — 831455, Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834760, Совет қурилиши — 833258, Қишлоқ хўжалиги — 837604, Адабиёт ва санъат — 832036, 837221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347, Ижтимоий ишлар ва хатлар — 838679, 833553, Иллюстрация — 834524, Стенографистлар — 837343, Корректура — 837162, Эълонлар — 838142, Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 48—83, Бухоро 31—41, Қарши 22—62, Наманган 21—88, Нукус 42—72, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—86, Урганч 34—55.

№ Б. — 57. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р.01205.